



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Энг муҳими, ўтган қисқа вақт ичида «Истикбол» ёшлар қаноти мамлакатимизнинг барча вилоятларида шаклланиб, атрофига ЎзХДПнинг фаол ёшларини бирлаштирди.

• 2009-йил • 26-май • Сешанба • 63 (29.024) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

## ✓ Эртанги кун бизники, марра бизники!

# ВАТАН МАНФААТИ ЙЎЛИДА ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРАМИЗ

### ДЕДИ ЎЗБЕКISTON ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЁШЛАР АНЖУМАНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



Ўзбекистон ХДП «Истикбол» ёшлар қаноти сафи тобора кенгайиб бормоқда. «Ёшларда фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш» мавзусидаги ёшлар вакилларининг минтақавий анжумани буни яна бир бор намоён қилди.

Унда Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ёшлари вакиллари иштирок этдилар. ЎзХДП Дастури асосида «Истикбол» ёшлар қаноти ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш, партия депутатлик гуруҳлари билан ёшлар манфаатига беvosита тегишли бўлган ислохотларнинг самардорлигини янада ошириш йўлида ҳамкорлик қилиш, партия сайланма органларининг бўлажак етакчиларини тарбиялаш каби долзарб масалаларни ҳал

қилди. Унда Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент шаҳар ёшлари вакиллари иштирок этдилар. ЎзХДП Дастури асосида «Истикбол» ёшлар қаноти ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш, партия депутатлик гуруҳлари билан ёшлар манфаатига беvosита тегишли бўлган ислохотларнинг самардорлигини янада ошириш йўлида ҳамкорлик қилиш, партия сайланма органларининг бўлажак етакчиларини тарбиялаш каби долзарб масалаларни ҳал

этомқда. Энг муҳими, ўтган қисқа вақт ичида «Истикбол» ёшлар қаноти мамлакатимизнинг барча вилоятларида шаклланиб, атрофига ЎзХДПнинг фаол ёшларини бирлаштирди. Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида «Истикбол»чилар энг чет кишлоқларда бўлиб, ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, уларнинг ечимини буйича тақлифлар ишлаб чиқишмоқда.

Тадбир иштирокчилари туманининг Бувайда, Оққўрғон, Пошшопирим каби кишлоқларида маҳаллий ёшлар билан учрашувлар ўтказдилар. Ёшлар ҳаётига оид масалалар юзасидан баҳс-мунозаралар қизгин тус олди.

Анжуман иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» асарини ўқиб, шунингдек, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури мазмунини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳар тарафлама тарғиб этиш долзарб вазифа эканини алоҳида қайд этдилар.

2-бет

## ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БРАЗИЛИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг тақлифига биноан 2009 йилнинг 27-29 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилияга кетаётган 26 май куни Мадрид шаҳрида тўхтаб ўтади ва Испания Қироли Хуан Карлос ҳамда Испания Қиролигининг бошқа расмий шахслари билан учрашади.

## СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Пойтахтимизда 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китоби буйича бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда дунёнинг 60 мамлакатидан 30 халқаро ташкилот ҳамда молия институтларидан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олимлар ва экспертлар иштирок этди. ЎзА муҳбири анжуман қатнашчиларининг конференция ва юртимиз ҳақидаги таассуротлари билан қизиқди.

Иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ушбу дастур бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим дастуриямал бўлишига шубҳам йўқ. Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига катта тараддуҳ қўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Пойтахтимизда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари киши эътиборини тортади.

Ширин АКИНЕР, Марказий Осиё мамлакатлари буйича етакчи эксперт (Буюк Британия): — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китоби буйича бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда халқаро аҳамиятга эга жуда муҳим воқеадир. Тадбир биз, экспертларга Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, Инкирозга қарши чоралар дастури асосида амалга оширилаётган ишчил ва самарали ишлар билан яқиндан танишиш, бу борада турли мамлакатлар олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва таҳриба алмашиш имконини бер-

ди. Иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ушбу дастур бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим дастуриямал бўлишига шубҳам йўқ. Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига катта тараддуҳ қўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Пойтахтимизда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари киши эътиборини тортади. Лаура ЖУЗЕППИНА МАДЖИ, Италиянинг «Интерэнерджи» энергетика компанияси директори: — Ушбу анжуман Ўзбекистоннинг юксак сиёсий нуфузи ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат эканини яна бир бор исботлади. Президент Ислам Каримовнинг асари менда катта таассурот қолдирди. Қўллаб янги, қўтилмаган ва аjoyиб фикр ва гоёлар ўз ифодасини топган мазкур асарда халқаро иқтисодий таназулга қарши курашиш чоратадбирлари ва иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг самарали йўллари кўрсатиб берилган. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб, жаҳон иқтисодиётидаги нуфузи охиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Мамлакатимизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун жуда катта қулайликлар яратилган. Жумладан, турли имтиёз ва имкониятларни италиялик бизнесменларнинг ҳам ҳамкорликка қизиқишини тобора қучайтирмоқда. ЎзА муҳбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

## ❖ Сайлов ва ислохот

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига демократик сайлов ўтказиш буйича умумэтироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келадиган сайлов қонунчилиги шакллантирилди. Бугунги кундаги сайлов қонунчилигимиз энг асосий конституциявий принцип бўлган халқ ҳокимияти принципининг амалда татбиқ этилишини таъминлайди.

## ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК — БОШ МЕЗОН

2009 йил декабрь ойида давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар олдинги сайловлардан кескин фарқ қилади. Ушбу фарқ куйидаги омиллар билан изоҳланади.



Улуғбек ВАФОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Биринчидан, Парламентнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларга мувофиқ равишда самарали қонунчилик базасини шакллантириш борасидаги фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири янада кучайди. Иккинчидан, Оммавий жамоат бирлашмаси — Ўзбекистон Экологик ҳаракати Олий Мажлис Қонунчилик палатасида унинг вакилликни таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини рўйбега чиқариш ва улларга сўзсиз риоя қилиш учун кенг имкониятлар яратилди.

аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини рўйбега чиқариш ва улларга сўзсиз риоя қилиш учун кенг имкониятлар яратилди. Учинчидан, Сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш, демократлаштириш, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришдаги воқолатлари кенгайтирилди. Мазкур натижаларга эришиш учун сайлов қонунчилигига бир қанча ўзгаришлар киритилди. Мисол учун, сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги вакилликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 1-қисмининг янги таҳририга биноан Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага оширилди. Бунда 135 нафар депутат кўппартиявийлик асосида бир мандатли ҳудудий сайлов округларидан сайланади.

(Давоми 2-бетда)

## ✓ Фракция фаолияти

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИГА ОИД

### масалалар муҳокама этилди

Маълумки, шу йилнинг 22 май куни Тошкент шаҳрида мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш стратегиясига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу масалаларни долзарблигини ҳисобга олиб фракция аъзолари дастлаб конференция иштирокчилари — ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Улуғбек Вафоев ва Шарбат Абдуллаеваларнинг ахборотларини тингладилар. Масала юзасидан фикрлар ўртага ташланди ҳамда конференция якуни ҳақида депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари чоғида батафсил ахборотлар бериш ҳақида келишиб олинди.

мат мажлисларида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2008 йилда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишига эришилди. Хусусан, инфляция прогнози кўрсаткичлари даражасида, яъни 7,8 фоизда сақланиб қолди. Мамлакат раҳбарияти томонидан қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида банкларимизнинг халқаро рейтингда юқори погоналарни эгаллаб, умумий капитализация кўрсаткичлари 40, кредит қўйилмалари 33,4, аҳолининг банклардаги депозитлари 65,3 фоизга кўпайиши таъминланди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамага киритилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги ижроси тўғрисида»-ги ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида»-ги масалаларни кўриб чиқди. Бу ҳақда молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаевнинг маърузаси тингланди. Таъкидландики, 2008 йил ҳамда 2009 йилнинг I чорагида Давлат бюджети Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрлар ҳамда Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ ижро этилди. Жаҳонда юзга келган молиявий-иқтисодий инкирознинг салбий таъсирига қарамай, Президентимиз томонидан 2008 йил 8 февраль ва 18 июлда Ҳуқу-

2008 йил якунига қўра, ялпи ички маҳсулот ўртача 9, қурилиш соҳаси 8,3, савдо-сотик 7,2, кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш 4,5 фоизга ўсган. Президентимиз томонидан 2009 йил 13 февралдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳамда Инкирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланган эди. Улар 2009 йил биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг 7,9 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг 9,9, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 5,7, қурилиш ишлари ҳажмининг 12,1 фоизга ўсишини таъминлади.

2-бет

## \* Баркамол авлод орузи

## СЎНГИ ҚЎНҒИРОҚ — КАТТА ҲАЁТГА ЧОРЛАЙДИ

Сўнги қўнғиरोқ!.. Бу байрам таассуротлари ҳаммани бир хил, аммо ҳаммани янгилаб, нималардир ўзгартириб турадигандек туюлади. Катта ҳаёт олдидаги хурсандчилик ила мактаб билан хайрлашувнинг ҳаяжонлари доимо бир хил кечади... Узгачалиги — замон ўзгараётти, шароит ва имкониятлар, битирувчилар бошқача...


Кунин кеча пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 86-мактабда ўтган сўнги қўнғироқ тантанасида иштирок этиб, бунга яна бир бор иқдор бўлдим. — Худудимизда жойлашган ушбу мактабдаги тантаналарда фаолларимиз билан қатнашганимиз, — дейди «Астрообод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси Хуррият Абдуллаева. — Ўғил-қизларим мактабни тугатганига анча бўлди. Аммо бугун худди ўз фарзандини катта ҳаётга йўллаётган онадек қувончим чексиз.

(Давоми 4-бетда)



Ўзбекистон ҳаво йўли Ташкент халқаро аэропорти





### ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ

#### 10 фоиздан ортиб кетди

Россияда умумий ишсизлар, яъни расмий рўйхатга олинганию-олинмаганини кўриб ҳисоблаганда жорий йилнинг апрелида 200 мингга ошди ва уларнинг умумий сони 7,7 миллион кишига етди, дейилади давлат статистика федерал хизмати маълумотида.



Бу иқтисодий фаол аҳолининг 10,2 фоизига тенгдир. Ишсизлик март ойидаги кўрсаткичга нисбатан 0,2 фоизга ортган. Аҳоли бандлиги билан шуғулланувчи органлар томонидан ишсизлик мақоми берилиб, расмий рўйхатга олинганлар сони 2,3 миллион кишини ташкил этади.

### СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ

#### Ўз жонига қасд қилди

Жанубий Кореянинг собиқ президенти Но Му Хён мамлакат пойтахтидан 450 километр жанубдаги тоғли Бонха қишлоғида яшарди. Хар куни эрталаб сайрга чикарди. Шанба куни ҳам кўриқчилари қузатувида сайрга чиқиб, қоядан ўзини ташлаб юборди ва Пусан миллий университети госпиталида хушига келмай вафот этди.

«Ренхап» АА хабар беришича, полиция унинг уйдан ўлими олдидан ёзиб қолдирган мактубни топди. Унда 62 ёшли собиқ президент ўз ўлимида ҳеч қимми айбламасликларини сўраган.

Маълум бўлишича, республика прокуратураси уни ва оиласини коррупцияда айблаб, (айрим маълумотларга қараганда, Но Му Хённинг раффикаси ва унинг қариндоши 2006-2008 йилларда «Тэжван» поёабзал фабрикаси президенти Пак Ен Чхадан 6 миллион доллар миқдорда пора олганлиқда гумон қилинмоқда) жиноий иш кўзгаган. Апрельда прокуратура унинг турмуш ўртоғи Квон Ян Сокини ва собиқ президентнинг ўзини сўроқ қилган. Унинг ақиси ва сиёсий ҳамкорлари 14 май куни қамоққа олинган.

Собиқ президентни эса қамаш учун ордер олишга эришиш йўлида саъй-ҳаракат олиб боришини прокурор шара қилган.

Но Му Хённинг ўлимидан сўнг бош вазир Хан Син Су раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамаси давқулодда мажлис ўтказиб, марҳумнинг дафн маросимини ташкиллаштириш, уни ўзи васыят қилган Бонха қишлоғида дафн этиш масаласини муҳокама қилди.

Дарвоқе, республика адлия вазири собиқ президент ва унинг оиласини жавобгарликка тортиш юзасидан очилган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтати.

## «POYTAXT AUKSION»

### DAVLAT UNITAR KORXONASI

#### 2009 YIL 25 IYUN KUNI TANLOV SAVDOLARINI O'TKAZADI

Tanlov savdolari talabgorlarining takliflari bildirilgan konvertlarni ochish va savdo o'tkazish soat 16-00da boshlanadi. Buyurtma qabul qilish savdo boshlanishidan uch soat avval soat 13-00da to'xtatiladi.

#### Tanlov savdosiga:

— eng yuqori sotib olish bahosini taklif etish;

— yangi ishchi o'rinlarini tashkil etish;

— sotib olish to'lovi va qo'shimcha investitsiya kiritishni qisqa muddatlarda amalga oshirish;

— atrof muhitni obodonlashtirish;

— Shuningdek, har bir ob'ekt uchun belgilangan miqdordan kam bo'lmagan investitsiya kiritish majburiyatlarini bilan Toshkent shahar hokimligi Binolardan foydalanish departamenti tasarrufidagi quyidagi ob'ektlar qo'yiladi:

1. Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani, TTZ 2-mavzesi, 20a-uy manzilida joylashgan to'rt qavatli binoning umumiy maydoni 238 kv.metr ga teng bo'lgan birinchi qavatni bir qismi va qo'shimcha qurilish. Boshlang'ich narxi 68 112 500 (oltmish sakkiz million bir yuz o'n ikki ming besh yuz) so'm.

Eng kam investitsiya miqdori 21 000 000 (yigirma bir million) so'm. Zakalat miqdori 13 622 500 (o'n uch million olti yuz yigirma ikki ming besh yuz) so'm;

2. Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Usmon Nosir 1-berk ko'chasi, 5-uy manzilida joylashgan umumiy maydoni 500 kv.metr ga teng bo'lgan bir qavatli bino. Boshlang'ich narxi 87 540 607 (sakkson etti million besh yuz qirq ming olti yuz etti) so'm. Eng kam investitsiya miqdori 30 000 000 (o'ttiz million) so'm. Zakalat miqdori 17 510 000 (o'n etti million besh yuz o'n ming) so'm;

3. Toshkent shahar, Sergeli tumani, Sputnik 6-mavzesi, 9-uy manzilida joylashgan, umumiy maydoni 42 kv.metr ga teng bo'lgan bir qavatli bino. Boshlang'ich narxi 15 887 570 (o'n besh million sakkiz yuz sakkson etti ming besh yuz etmish) so'm. Eng kam investitsiya miqdori 5 000 000 (besh million) so'm. Zakalat miqdori 3 200 000 (uch million ikki yuz ming) so'm;

Savdolarda qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «POYTAXT AUKSION» davlat unitar korxonasi ATIB

«Ipoteka-banki» Shayxontohur filialidagi FA 00425, STIR 204399967, 2021000004243151002 xisob raqamiga o'rnatilgan tartibda to'lanadi.

Savdo o'libigiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzulmagunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetish-mayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi.

Mazkur ob'ektlar yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda shu yilning 9,23 iyun, 6 avgust kunlari o'tkaziladigan savdolarga qo'yiladi.

Savdolar o'tkaziladigan quyidagi manzilda qo'shimcha ma'lumotlar olish mumkin:

100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shoh ko'chasi, 16-A-uy.

Aloqa telefoni 233-23-49, telefaks 233-23-40, elektron pochta R-A\_DUK@mail.ru

### ТЎРТ НОМЗОДНИНГ БИРИ

#### етаққимликка сайланади

Грузиянинг Тбилиси ва бошқа шаҳарларида 9 апрелдан буён норозилик митингларини ўтказётган мухолиф кучларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб турган Мухолифат кенгаши бугун ўзига ягона бош етакчини сайлади.

Айни пайтгача бу Мухолифат кенгашини мухолиф партияларнинг ва жамоат ташкилотларининг 12 нафар етакчиси ўзаро тенг ҳуқуқлар асосида бошқариб келди. Грузия оммавий ахборот восита-


лари хабарларига қараганда, ҳозир 4 та мухолиф куч етакчисининг номзоди илгари сурилган. Улар: Леван Гачециладзе, Ираклий Аласания, Каха Шартва, Нино Буржанадзе. Аммо улар Грузиянинг амалдаги маъмуриятини истеъфога чиқариш йўлидаги кураш ва истиқболдаги вазифалар бўйича турли нуктаи назарларга эга. Масалан, Аласания президент Саакашвили билан мулоқотга киришишга тайёрлигини билдирса, Буржанадзе Саакашви-



ли билан мurosага келишга тасомаман қарши ва кескин ҳаракатлар қилиш тарафдорин. Шунинг учун ҳам ягона етакчини сайлаш вазият эҳтиёжи, дейишмоқда таҳлилчилар.

### 543 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

#### маблаг йиғишига чақирди



БМТ донор мамлакатлари Покистон шимол-ғарбида давом этаяётган ҳарбий ҳаракатлардан жабр кўрганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 543 миллион доллар миқдорда маблаг йиғишига чақирди.

БМТ маълумотларига қараганда, дейилади «BBC» ахборотида, ҳукумат кўшикларининг толибон жангариларига қарши олиб бораётган ҳарбий ҳаракатлари боис

1,5 миллиондан ортик тинч аҳоли ўз яшаш манзилларини ташлаб, хавфсиз жойларга қўшишга мажбур бўлди. 10 мингдан ортик одам эса жанговар ҳудуд жанубидаги Сват водийсида жойлашган қочқарлар лагериди чодирларда яшамокда.

Маълумки, тинчлик келишувларига эришилган бўлишига қарамай, толибонлар ўз таъсир доирасини кенгайтиришга урингани учун Покистон армияси уларга қарши 2 май куни кенг миқёсдаги ҳарбий ҳаракатлар бошлади.

### Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

#### қуйидаги иншоотни тўлиқ қуриб битказиш шarti билан ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (минг сўм)	Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм)	Қурилиш мuddати
1.	Сирдарё туманида «Сирдарё» божхона пости реконструкцияси бўйича	829 534,862	995 441,834	120 кун

**Буюртмачи манзили:** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Г.Абдурахмонова кўчаси, 7-уй, тел: 8 (3672) 27-89-08

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси хисобидан молиялаштирилди.

Талабгор сифатида қат-

нашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамиди танлов савдолари предмети қийматининг ҳамиди 20% миқдориди «буш-айланма» маблағлари бўлиши ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қасблатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат

ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли қасбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танловда қатнашаётган маҳаллий пудратчи томондан импорт товарлари етказиб

бериш, импортёрлар учун қўшимча қиймат солиғидан озод қилинади ва уларнинг тақлифларида импорт товарлари қўрсатиб ўтилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-ўйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат қилиш мумкин:


Тел: (8 3672) 27-64-84, факс: (8 3672) 27-64-42

**Т а к л и ф л а р (оферталарни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кuni ва овати.**

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бoshлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

### Иқтисодиёт ва ислоҳот

**Мамлакатимизда «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкнинг ташкил этилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, пахта ва галла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишига иқтисослашган пахта тозалаш ва дончи қайта ишлаш саноати корхоналари фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, банкнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси жамоаси томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар эътиборга молик.**



# ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ИЗЧИЛ МОЛИЯЛАШТИРИШ

### ОАТБ «Агробанк» Қашқадарё вилоят бошқармасининг асосий мақсадидир

Бошқарманинг 16 та филиали ва 17 та мини банки 24 мингдан ортик миқозга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда миқозларга молиявий хизмат турларини кўпайтириш, иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, жами кредит қўйилмалида инвестицион кредитлар улушини ошириш борасиди бизнес-режада кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун аниқ ишлар олиб бормоқда. Чунончи 1 майгача қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган кредитларнинг 36,5 млрд. сўми пахта ва галла ҳомашёси етиштириш билан боғлиқ ҳаракатларни молиялаштириш учун берилган имтиёзли кредитлардир.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналарига янги техникалар сотиш учун 60 дан ортик фермер хўжалигига 2,0 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналарни қўллаб-қув-

ватлаш учун ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Узагромашсервис» уюшмаси машина-трактор паркларига янги хайдов тракторлари сотиб олиш учун 1,35 млрд. сўм кредит ажратилди. Баҳорнинг серёгин келганлиги ҳисобга олинган ҳолда, ўсимликларни химоя қилиш воситаларининг захирасини яратишга 500 млн. сўм, машина-трактор паркларига эҳтиёт қисмлар сотиб олишга эса 400 млн. сўм кредит ажратилди.

Қишлоқ жойларда ташкил этилган 107 та мини банкнинг 300 га яқин ходими фермер ва дехқон хўжаликларига, муқобил машина-трактор паркларига, сувдан фойдаланиш уюшмаларига, биолоботорияларга, жисмоний шахсларга, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш нукталарига хизмат кўрсатиб келмоқда. Мини банкларда ҳисоб рақами очган субъектлар сони беш мингга яқин бўлиб, уларга ажратилган кредит-

ларнинг қолдиғи 14,0 млрд. сўмни ташкил қилади. Мини банкларнинг алоқа тизимини модернизация қилиш мақсадиди 60 та мини банкда янги турдаги алоқа воситалари ўрнатилган бўлса, қолганларида бу ишлар давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари вилоят иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис уларга ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йил давомида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 6,1 млрд. сўм кредит йўналтирилган бўлса, жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида уларга 4,9 млрд. сўм миқдориди кредит ажратилди. Кредитларнинг 3,6 млрд. сўми узок мuddатли ва 1,3 млрд. сўми қиска мuddатлидир. Булар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони 478 тами ташкил қилади. Берилаётган кредитлар жой-

қўлаб келтириш мумкин.

Президентимизнинг Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастури тўғрисидаги қарорига асосан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадиди иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига инвестицион кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки чорағиди ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 2,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунинг 2,2 млрд. сўми қишлоқ хўжалиғи тармоғига, 520 млн. сўми саноат тармоғига, 90 млн. сўми маънавий хизмат ва моддий техника таъминоти тармоғига, 100 млн. сўми бошқа тармоқларга йўналтирилган.

Банк томонидан маҳаллий ҳомашёни қайта ишлашга, экспорт-бop маҳсулотлар етиштиришга

олиб борилмоқда.

Бошқарма қишлоқ жойларда мева ва сабзавот экинларини кўпайтириш, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик, каби тармоқларни ривожлантириш мақсадлари учун кредит ажратишга ҳам алоҳида эътиборни қаратмоқда. Бунинг учун ўтган тўрт ой давомида 417 млн. сўм кредит ажратилди. Бу борадаги ишлар кейинги ойларда бир неча баробарга ошиши кутилмоқда.

Вилоят бошқармаси халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва агросаноат сектори корхоналарини ушбу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштиришнинг режалаштириб қўйган.

Пластик карточкалар орқали вилоятда амалга оширилаётган операциялар қўламининг кенгайиб бораётганлиги аҳоли ўртасида ушбу замонвий ва қулай тўлов восита-

сига нисбатан ишончининг ортиб бораётганлигидан далolat беради. Банк миқозларига тарқатилган пластик карточкаларнинг умумий сони 64 мингга етган. Улар орқали ҳисоб-китоб қилиш учун жойларда 464 та нуқтада терминаллар ўрнатилган. Бундан орқали биргина жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 6,8 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилган. Йил охиригача пластик карточкалар сони 100 мингга, терминаллар сони 1000 тага етказиш кўзда тутилган. Маъкур йўналишдаги ишлар давом эттириб борилади. Миқозларга янада қулайлик яратиш мақсадиди ҳар бир филиалда инфокиоскалар ва банкоматлар ўрнатиш мақсадиди уларга бюртмалар берилган. Айни пайтда Бешкент ва Косон филиалларида 2 та инфокиоска ишлаб турибди. Бундан ташқари, йирик корпоратив миқозлар ва ишчи ходимлари 500 дан ортик бўлган корхона ва ташкилотларда маблағларни интернет орқали пластик карточкаларга жойлаб олиш учун дастурлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда ва шу ой охиригача ишга туширилади.

Бошқарма жойлардаги 11 та махсус кассалари, 22 та шохобчалари орқали аҳолидан коммунал тўловлар қабул қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида миқозлар ва аҳоли томонидан коммунал хизматлар учун 5,9 млрд. сўмдан ортик тўловлар амалга оширилган. Бу борада аҳолига қулайлик яратиш мақсадиди бошқарманинг махсус коммунал тўловлар қабул қилиш автоматиниси Қарши шаҳридаги маҳаллаларга чиқиб хизмат кўрсатапти.


Банкнинг ўз ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибатор турларини тақлиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда яхшироқ фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш бошқарманинг жорий йил режаларига киритилган.

**Шоҳидар МИРХАБИВОВ,**  
**Мирбахтёр МИРҲАБИВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**муҳбирлари**




# ГУЛИСТОН «УМИД НИХОЛЛАРИ»НИ КУТМОҚДА

29 май куни мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг катта спорт байрами бошланади



Асосий мусобақалар шу мажмуада ўтказилади



Сузиш ҳавзаси спортчиларни кутмоқда

Ешлик, спорт, галаба, баркамоллик тушунчалари бир-бирига ҳамоҳанг, ёнма-ён қадам ташлайди. Спорт билан шуғулланган бола соғлом бўлади. Фақат соғлом одамгина, соғлом фикр юритади.

Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда яратилган, бир-бирини тўлдириб борувчи уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» соғлом авлодни тарбияладек буюк мақсадларга хизмат қилмоқда.

Усмирлар ва ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга жалб этишнинг бундай узлуксиз тизими шу пайтгача жаҳон таърихида кузатилмаган мана-ман деган давлатлар аллома, арбобларига чан бермоқда. Бизда келажак авлод сўзда эмас, балки амалда кадрланаётгани, эъзозланаётганини, барча бирдай эътироф этмоқда.

Давлат ўз қадрини, ўз қудратини мустаҳкам тутиб турмоғи учун бакуват қўллар, ўтли юраклар зарур бўлади. Биз юқорида номини санаган спорт мусобақалари эса ана шундай ёшларни тарбиялайди, тоблайди.

Бугун Ўзбекистон фарзандлари бутун дунёни нафақат билим ва тафаккур, балки соғлом куч билан ҳам қўйил қолдирмоқда. Бугун Гулистон шаҳри катта спорт байрами арафасида турибди. Эртага бу ердаги спорт мажмуалари оловқалб ўғил-қизлар хайкирликларидан ларзага келади.

Хар бир мусобақага мезбон шаҳар танлашнинг ҳам ўзига хос, пухта ўйланган томонлари бор. Бу спорт ўйинларига тайёргарлик жараёнида барпо этилган иншоотлар эртага маҳаллий ёшлар мулки бўлиб қолади. Жорий йилда «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларига «Мирзаҷул марвариди» номини олган Гулистон шахри-

да қизгин ҳозирлик кўрилди. Мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган 16 та иншоотда бунёдкорлик, капитал таъмир ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу мажмуаларда спортнинг 12 тури — бадий гимнастика, гандбол, сузиш, футбол, волейбол, енгил атлетика, шохмат, стол тенниси, спорт гимнастикаси, баскетбол, кураш ва белбоғли кураш бўйича беллашувлар бўлиб ўтади. Мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросими ўтказиладиган 20 000 кишига мўлжалланган муҳташам «Ешлик» стадиони тўлиқ реконструкция қилинди. Стадионни томоша қилар эканмиз, кўринишидан ғайрат жўш уриб турган бир отахонни учратиш сўхбатлашдик.

— Мен 1966 йилда жисмоний тарбия институтини битириб келганимда мана шу жойлар чўли биёбон эди, — дейди меҳнат фахрийси, самбо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Тожикул Тоғаев. — Мустабид тузум йилларида бундай масканларни ҳатто орзу ҳам қила олмасдик. Қора меҳнатдан бошимиз чиқмасди. Худога шукр, ўша кунлар ортада қолди. Мустақиллик меваларидан баҳраманд бўлаяпмиз. Бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. «Умид ниҳоллари» мусобақаларида менинг 7 нафар набирам спортнинг кураш ва белбоғли кураш турлари бўйича иштирок этмоқчи. Яна нима керак менга. Ҳар бир етолмаган манзилларга, галабаларга улар этишини истаيمان. Юртимиздаги барқарор тинчлик учун, фарзандларимизга кўрсатилаётган муҳаббатлар учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Шаҳарда янги бунёд этилган IV ТИП болалар спорт мажмуаси кўрган кўзни қувонтиради. У ерда футбол ва мини футбол майдонлари, гандбол зали ва ёпиқ сув

ҳавзаси жойлашган. Таъмирлаш ишлари олиб борилган «Алломиш» спорт мажмуаси янгича чиroy очди.

Гулистонда амалга оширилган ободонлаштириш-кўчаламзорлаштириш ишлари ҳам таҳсинга сазовор. Хар қадамда гуллар, мевали ва манзарали дархатлар киши кўнглини яна-тади.

— Бизнинг коллежимизда «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг стол тенниси мусобақалари бўлиб ўтади, — дейди Гулистон қурилиш касб-хўна коллежи директори Абдуразақов Қувватов. — Ҳозирги кунга келиб мусобақаларни ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё қилинди. 100 ўринли ётоқхона ва ошхона тўлиқ таъмирланди, замонавий теннис столлари хориждан келтирилди. Коллежимиз қурилишига ихтисослашгани боис бунёдкорлик ишларида 3-босқич ўқувчилари ҳам иштирок этишди. Ётоқхона учун зарур бўлган кўпгина жиҳозлар коллежимиз цехида тайёрланди.

— Мусобақа иштирокчиларининг барчаси Гулистонга поездда келишади. Буни инобатга олган ҳолда Гулистон темир йўл вокзалида ҳам катта ишлар қилинди, — дейди Гулистон темир йўл вокзали бошлиғи Азиз Холматов. — Вокзалимиз тўлиқ таъмирланди, перронни қайта қурдик. Бунинг учун 78 млн. сўм пул сарфланди. Бугун спортчи ёшларимиз ҳалол курашларда ўз маҳоратларини намойиш этиш орузи билан ёнмоқда.

Гулистонликлар эса «Умид ниҳоллари» мусобақасини юксак савияда ўтказиш нияти билан яшамоқда.

**Темур АЪЗАМ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**мухбири.**  
**Шавкат ҚАҲҚОРОВ**  
**олган суратлар.**



Спорт байрамининг бош майдони



Спортчилар соғлиғига шифокорлар ҳамиша шай



Байрамга таралду

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ — КАТТА ҲАЁТГА ЧОРЛАЙДИ

— Баъзан ўйинқароқлик қилиб устозлардан танбех эшитиб, гоҳида эса уларнинг мақтовларидан самодда парвоз этиб бир зумда тўққиз йиллик ўқувчилик давримиз ҳам ўтиб кетибди, — дейди битирувчи Абдумавлон Ёқубов.

Йилгитча озгина камтарлик қилди — унинг олқиш олган вақтлари кўпроқ бўлган. Мактабни чемпион бўлиб тарқ этяпти. Уч марта тазквондо бўйича Осиё чемпионатида иштирок этиб, хар гал голиблик шохсупасига кўтарилган. Дастлаб мактабдаги, кейин эса спорт тўғрақларидаги машгулотлар бу муваффақиятларга омил бўлди.

Унинг синфдошлари ҳам мактабдан кейинги ҳаётга дадил кириб бораётган ёшлар. Масалан Арофат Мусаева — мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси бўлди, Хожикабар Иброҳимов, Зилола Мавлонхўжаевалар ҳам яхши ўқиш ва жамоат ишларида фаолият билан хурмат қозонган. Ҳаммасининг мактабдан сўнг ўқиш жойи аниқ — бири тиббиёт, бири банк, бири дипломатия соҳасидаги коллеж ва академик лицейларда таълим олишни аллақачон режалаштирган.

— Салкам чорак асрлик педагогик фаолиятимда кўп битирувчиларни кузатдим, — дейди уларнинг устози Элмира

Худойбердиева. — Болаларимиз йил сайин тийрак, зийрак, ўз кунига ишонувчан, интилувчан бўлиб етишяптилар. Бу эса, энг аввало улар учун яратиб қўйилган шароитлар мевасидир.

Мактаб директори Ирина Пак бу имкониятларни аниқ мисоллар билан айтиб берди. Утган йили мактаб капитал таъмирдан чиқарилган, компьютерлар, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

— Биз ўқитувчилар, давлатимиз томонидан фарзандларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликни бевосита амалга оширувчилар ҳисобланамиз, — дейди Ирина Пак. — Бугун мактаб билан хайрлашаётган 125 нафар ўқувчимизнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топишига ишончим комил.

Битирувчиларнинг олти нафари харбий билим юртларида ўқишини давом эттирмоқчи. Улар «Харбий бўлиб, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш — эзгу орзумиз», — дейишида бугунги битирув тантанасида. Уларнинг буй-басити, гап-сўзларидан кўнглим ғурурга тўлди. Биз фарзандларимиз қалбига Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини сингдира олибмиз...

Энг асосийси ҳам шу эмасми!

**Шарофат Йўлдошева,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

## Тошкентнинг 2200 йиллиги олдида «САМОВАР» ТАОМИ ЯНА ДАСТУРХОНДА

Пойтахтдаги «Наврўз» ресторанининг катта зали уч кун мобайнида ўзига хос тўйхона, базмхонага айланди.

— Бу ерга келганларнинг хайратга тушишлари табиий, — дейди «Наврўз» ресторанининг тажрибали ошпази Мирсобир Қосимов. Мен тайёрлаётган «Самовар» таоми ҳам гарчанд унутилиб кетилган бўлса-да, узок ўтмишда кашф этилган тансиқ таомлардан биридир.

— Гузал Тошкент-



## Спорт

Футбол бўйича Ўзбекистон профессионал лигаси 11-тур ўйинлари ўтказилди. Яқунланган учрашувлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу йилги мавсумда яққол аутсайдер номини ҳозирдан тахмин қилиш мушкул.

Буни охириги тур ўйинлари ҳам тасдиқлаб турибди. Чемпионат жадвалида охириги ўринда бораётган Муборакнинг «Машъал» футболчилари «Андижон» жамоасини 2:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Урганчда эса «Хоразм» вакиллари «Бухоро» футболчиларини енгилди — 1:0.

## АУТСАЙДЕР КИМ БЎЛАРКИН?

Самарқандда динамочилар Бекободнинг «Металлур» жамоаси устидан зафар кучди — 5:3. Бу самарқандликларнинг Азамат Абдураимов бош мураббийлигидаги ilk галабасидир.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Сўғдиёна» — «Локомотив» — 0:0; «Қизилқум» — «Навбахор» — 1:0; «Олмалик» — «Шўртан» — 3:2.

Мазкур турдан жой олган «Бунёдкор» — «Пахтакор» жамоалари баҳси номаълум муддатга қолдирилган бўлса, «Нефтьчи» — «Насаф» жамоалари учрашуви 10 июнга кўчирилди.

мизнинг 2200 йиллик билеийга бағишлаб уюштирилган бундай кўрик-танловдан кўзланган мақсад, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бош мутахассиси Фарида Толипова. — Халқимизнинг азалий аъналарини қайта тиклаш, келин-куввлар учун бежирим либосларни тавсия этиш пазанда ва қандолатчилик санъатини намойиш этишдан иборат.

— Маълумки, ўзбекиона тўйлар ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди Ўзбекистон пазандалар уюшмаси бош мутахассиси Сунатилла Сулаймонов. — Зеро, тўйларни дабдabasиз, камхарж ва ҳаммабоп тарзда уюштириш зарур. Ошпазлари-

Ун олти йилдирки, пойтахтимизда Олимпия кунги кенг нишонлиниб келинмоқда. Хар йилнинг май ойи охириги ўн кунлигида Халқаро Олимпия кўмитаси ташкил топганлиги муносабати билан югуриш мусобақалари ўтказилади.

## 6 ЁШДАН 80 ЁШГАЧА

Одатдагидек, бу йилги мусобақалар ҳам пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида уюштирилди. Унда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган 1500 нафардан зиёд иштирокчи қатнашди. Йилгирмата ёш ғуруҳида ўтказилган мусобақаларда олти ёшдан саксон ёшгача бўлган қатнашчилар ўзаро баҳс юртишди.

— Эллик олти ёшга тўламан, — дейди мусобақа иштирокчиси Мавлуда Тожиева. — Саккиз йилдан бери пойтахтимиздаги «Қалдирғоч» югурувчилар клуби азосиман. Мазкур мусобақада етти йилдан бери мунтазам иштирок этаман. Синглим Хосият Тожиева эса Тошкент давлат тиббиёт академиясида кимё фанидан дарс беради. Югуриш ва жисмоний тарбия жону дилимиз. Бу йилги мусобақаларда ҳам синглим билан биргаликда иштирок этдик. Гарчи, голиб ва совриндорлар қаторидан жой олмаган бўлсак-да, шундай ажойиб спорт байрамида қатнашганимиздан мамнунимиз. Эътиборли томони, йилдан йил оммалашиб бораётган мазкур баҳсларда ўзбек аёллари сафи тобора кенгайиб бораётганлиги бизни беҳад хурсанд қилди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган аънавий югуриш мусобақада барча иштирокчилар муносиб тақдирландилар. Мусобақада Тошкент шаҳри вакилларидан ташқари, Наманган, Андижон, Сирдарё вилоятлари спортсеварлари ҳам фаол иштирок этишди.

**Эркин ХОЛБОБО**

## ЧЕМПИОНАТ ВА КЎРҒАЗМА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида ёнгин учирши амалий спортни бўйича Республика чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлар терма жамоалари ёнгин учирши амалий спортининг беш тури бўйича беллашдилар.

Умумий натижаларга кўра, Тошкент шаҳри терма жамоаси голиб деб топилди. Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, Қашқадарёликлар эса учинчи ўринни эгаллашди. Голибларга чемпионат медаллари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган 10 га яқин етакчи фирма ва компанияларнинг ёнгин хавфсизлиги бўйича техник жиҳозлари, асбоб-анжомлари намойиши ҳам бўлиб ўтди.

**Тошкент ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси Ҳайъати ҲўДП Бухоро вилоят кенгаши расмининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддиновга волидаи муҳтарамаси

**ТўЛАОЙ** аянинг вафоти муносабати билан чукр ҳамдардлик изхор этади.

**Мирзо Анвар**

**BOSH MUHARRIR:**  
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afur HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Musliliddin MUHIDDINOV  
Svetlana GERASIMOVA  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLARI:**  
**Partiya hayoti**  
233-10-13  
**Madaniyat va sport**  
233-69-45,  
(Tel. Faks) 233-21-43  
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot**  
233-20-36,  
233-44-55  
**Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot**  
233-12-56  
**Reklama va e'lonlar**  
233-38-55,  
233-47-80  
**Mas'ul kotib**  
233-72-83,  
236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
**Andijonda** — 25-32-70  
**Buxoroda** — 223-06-02  
**Gulistonda** — 25-46-45  
**Jizzaxda** — 227-48-35  
**Navoiyda** — 223-83-73  
**Namanganda** — 226-43-43  
**Nukusda** — 222-77-21  
**Samarqandda** — 35-02-55  
**Urganchda** — 517-30-58  
**Farg'onada** — 224-18-78  
**Denovda** — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**  
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.  
Korxonasi manzili: Buyuk Tiron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma tabaq.  
Gazeta sahifasi, poyshaba va shaba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

13111 nusxada bosildi  
1 — Tijorat materiallari  
ISSN 2010-7633  
O'zA yakuni — 21.00  
Topshirilgan vaqti — 02.00  
1 2 3 4 5 6 8  
Sotuvda erkin narxda